

“ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ” ДОИРАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ” МУНОСИБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-26-542-549>

Сабитов Шукур Абдурахмонович

PhD, сиёсий фанлар номзоди,

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг

“Рақамли иқтисод ва молия” факультет декани. Тошкент шаҳари,

Ўзбекистон Республикаси эл.почта: shukursabitov@gmail.com.

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ва ривожлантиришнинг янги босқичлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi муносибатлар таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур давлатлар томонидан ўрнатилган сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий–гуманитар соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш омиллари ҳамда истиқболлари юзасидан фикр юритилган.

Калит сўзлари: ҳамкорлик, муносибатлар, ривожлантириш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, савдо, инвестициялар, хафсизлик, транспорт, маданият.

A NEW STAGE OF UZBEKISTAN-CHINA RELATIONS WITHIN THE FRAMEWORK OF “THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION”

Annotation. This article analyzes the new stages of cooperation and development between the Republic of Uzbekistan and the people's Republic of China, relations in the Shanghai Cooperation Organization. It also reflected on the development factors and prospects of mutually beneficial cooperation in the political, trade-economic and cultural–humanitarian spheres established by these states.

Keywords: cooperation, relations, development, Shanghai Cooperation Organization, trade, investments, frustration, transportation, culture.

XXI асрнинг сиёсий ва иқтисодий соҳада энг қудратли давлатларидан бири – Хитой Халқ Республикаси билан сиёсий, иқтисодий, савдо, илм-фан ва маданий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим аҳамият касб

этади. Хитой Халқ Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги 1991 йил 27 декабрда тан олинди ва 1992 йил 2 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил октябрда Тошкентда ХХР элчихонаси ва 1995 йил май ойида Пекинда мустақил Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсата бошлади. Иккитомонлама ҳамкорлик муносабатлари барча жабҳаларни қамраб олган бўлиб, икки мамлакат ўртасида ўрнатилган ўзаро ишончли алоқалар ҳамкорликнинг асосини ташкил этади. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларда терроризм, экстремизм, сепаратизм, наркотик ва ноқонуний қурол-яроғлар савдоси бўйича қарашларнинг муштараклиги кўзга ташланади.

Хозирги кунда жаҳон сиёсатида минтақавий ҳамкорлик ва кўп томонлама муносабатлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)** Марказий Осиёда хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва стратегик шерикликни таъминловчи муҳим тузилма сифатида намоён бўлди. Ташкилот аъзоси сифатида **Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси** ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Бу жараён нафақат икки давлат манфаатларига, балки бутун минтақанинг барқарор ривожига хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатдорлик, тенглик, очиқликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини тез суръатлар билан ривожланиб боришининг заминида авваламбор, уларнинг тараққиёт принциплари ва ташқи сиёсат стратегиясидаги ўхшашлик, яқинлик ҳамда мақсад-муддаоларнинг уйғунлиги ҳолати ётади. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари анъанага айланди. Жумладан 2025 йили 2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.[1]

Ўзбекистон президенти ва Хитой раиси музокараларда турли соҳалардаги муносабатларни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Хитой тажрибаси асосида камбағалликни қисқартириш тадбирларини давом эттириш, мутахассислар тайёрлаш, сунъий интеллект марказини очиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Хитой етакчиси Си Цзиньпин ва Хитой халқини ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь шаҳридаги саммити муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклаб, ХХР раисининг

глобал бошқарув бўйича ташаббуси ўз вақтида илгари сурилгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлади.

Давлат раҳбарлари ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатлар ривожига катта ютуқларга эришилганини таъкидладилар. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошиб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, муҳим масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. «Ягона Хитой» сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳамда «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида Ўзбекистоннинг позицияси ўзгармас экани тасдиқланди. ШХТнинг асосий вазифаларидан бири — аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлашдир. Ўзбекистон ва Хитой мазкур йўналишда ҳам қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширмоқда: терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда **РАТС (ШХТнинг минтақавий антитеррор тузилмаси)** орқали ахборот ва тажриба алмашиш; чегара хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш; киберхавфсизлик ва ахборот маконидаги таҳдидларга қарши курашда қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Бундай ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлайди, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Хитой Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан бирига айланди. ШХТ доирасида: **“Бир макон — бир йўл”** ташаббуси орқали инфратузилмавий лойиҳалар, транспорт ва логистика тармоқлари ривожланмоқда; **Инвестициявий ҳамкорлик** кенгайиб, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда; **Савдо айланмаси** йил сайин ўсиб, 2024 йилда у 14 млрд. АҚШ доллардан ошиб, йил бошидан эса яна 23% ўсгани қайд этилди. Инвестиция лойиҳалари портфели 60 млрд. доллардан зиёдни ташкил этмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 10 млрд. доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга туширилган. Ўзбекистон ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал зоналар фаолият юритмоқда, “BYD” электромобилларини ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда ва маҳаллийлаштириш даражаси оширилмоқда. Яқин йилларда товар айрбошлаш кўрсаткични 20 млрд.долларга етказиш режалаштирилди.[2] Бу жараён Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва минтақавий интеграциясини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, саммит арафасида икки давлат ўртасида бизнес форум муваффақиятли ўтказилди. «Яшил» энергетика ва энергия самарадорлигини ошириш, жамоат транспортини модернизация қилиш ва рақамлаштириш,

пулли автомобиль йўллари бариш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, кимё, сув ва қишлоқ хўжалиги, туризм ва шаҳарсозлик соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Эксимбанк, Хитой давлат тараққиёт банки, «Ипак йўли» жамғармаси ва бошқа институтлар билан кенг кўламли шериклик кенгаймоқда. Ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашгани юқори баҳоланди. Хитой тажрибаси асосида Ўзбекистонда камбағалликка барҳам беришга қаратилган қўшма тадбирларни амалга оширишда экспертлик кўмаги давом эттирилади. Инновацион лойиҳаларни илгари суриш ва мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожлантириш марказини ташкил этиш таклиф қилинди. «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» стратегик темир йўли қурилишининг амалий босқичи бошлангани қайд этилди.[3]

Шу билан бирга, илм-фан, тиббиёт, таълим ва туризм соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистонда Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон университетининг филиали ҳамда Халқаро математика маркази очилди. Сиань нефть университети филиалини очиш тўғрисида битим имзоланди. Пекин технология институти филиалини очиш режалаштирилган. Шу йилда Ўзбекистонда иккинчи Таълим форуми ўтказилади. Хитой тилини ўрганишни кенгайтириш ва ўзбекистонлик ёшларни ўқитиш учун квоталарни кўпайтириш, Конфуций институтлари фаолиятини ривожлантириш кўллаб-қувватланди. Ўзбекистон ҳудудларида энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон — Хитой «Лу Бань устахоналари»ни ташкил этиш кўзда тутилган. Сайёҳлар алмашинуви ўсиши учун шароит яратиш мақсадида авиақатновлар сони оширилмоқда, икки мамлакат ўртасида визасиз тартиб жорий этилди. Бир вақтнинг ўзида Хитой Миллий музейидаги катта кўргазмада Ўзбекистон ҳам қатнашди. 2027 йилда Шанхай ва Пекинда санъат кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилди. Ташриф доирасида ўзаро маданият марказларини очиш тўғрисида битим қабул қилинади.[4]

Тяньцзинь шаҳридаги саммити учрашувда халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШХТ, «Марказий Осиё — Хитой» формати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мувофиқлашув ва ўзаро кўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди ва музокаралари якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон президенти Хитойда бўлиб ўтган «ШХТ плюс» саммитида олти ташаббус, жумладан, Тошкентда «ШХТ Инвест» форумини ўтказиш, инновацион ва технологик хабар тармоғини яратиш

таклифини илгари сурди. У, шунингдек, Ғазо секторидаги вазият ҳақида гапирди. Президент учрашувда хавфсизлик, транспорт, инвестициявий ва маданий ҳамкорлик бўйича таклифлар билдирди. Давлат раҳбари «ШХТ плюс» форматининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлаб, уни «ишончли мулоқот учун муҳим майдон» деб атади. Президент Шавкат Мирзиёев бу галги саммит Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллигида ўтаётгани рамзий маънога эга экани эслатиб, бу нафақат муҳим тарихий воқеа, балки ўзига хос огоҳлантириш, тинчлик бир марта ва доимий эришиладиган неъмат эмас, уни доимо асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У Хитой раиси Си Цзиньпин илгари сурган Глобал бошқарув бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда низо ва можаролар тўлқинини тўхтатиш, ишончни қайта тиклаш, тинч-тотув ҳаётга интилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларини ҳурмат қилиш ҳақида гапирди.[5]

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёев ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорликнинг олтига устувор йўналишини эълон қилди:

1. **Хавфсизлик** - унинг сўзларига кўра, бугунги кунда жаҳон хавфсизликни таъминлашнинг таниш омиллари доирасидан чиқиб кетган таҳдид ва хатарларнинг мураккаб мажмуаси қаршисида турибди. «Фақат хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойилига асосланган коллектив саъй-ҳаракатларгина халқларимиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш имкониятини беришини таъкидлаб ўтмоқчиман», — деди у. Давлат раҳбари ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси базасида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ, шунингдек, Душанбеда Наркотикларга қарши курашиш маркази ташкил этилганини олқишлади, келгуси йили Тошкентда биринчи «Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти»ни ўтказишни таклиф қилди.

2. **Афғонистон** – Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олмасдан ва халқаро ҳамжамиятнинг афғон ҳукумати билан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб, минтақада барқарорликни таъминлаш мумкин эмаслигини айтди. Ушбу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан Афғонистонда, умуман, бутун минтақада узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликдан манфаатдор бўлган ШХТ давлатларининг сиёсий иродасига боғлиқ. «Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва у билан минтақавий кооперацияни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ШХТдаги шерикларимиз билан кенг қўламли ҳамкорликка тайёرمиз», — деди у. [6]

3. **Савдо ва инвестициялар** - президент тўсиқларни олиб ташлаш, саноат кооперацияси ва инновацияларни қўллаб-қувватлади: «Бизнес соҳасидаги мулоқотлар учун самарали майдонни ишга тушириш мақсадида, барча манфаатдор шерикларимизни жалб этган ҳолда, ҳар йили „ШХТ Инвест“ инвестиция форумини ўтказишни таклиф этаман. Биринчи форумни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишга тайёرمىз».

4. **Транспорт** - Ўзбекистон минтақавий логистикани ривожлантиришга устувор аҳамият қаратади: «Шу борада амалга оширилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Келгусида ушбу йўналишнинг Трансафғон йўлаги билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантириш имконини беради», — деди президент.

5. **Инновациялар** - давлат раҳбари ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил энергетика каби илғор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир бўлган улкан илмий-техник салоҳиятга эга эканини таъкидлади. «Янги ғояларни генерация қилиш, илғор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инновацион-технологик хаблар тармоғини яратишни амалий қадам сифатида таклиф этамиз», — деди у.

6. **Маданият** – Шавкат Мирзиёев «ШХТ оиласи» маданий ранг-баранглиги ва бой кадриятларини илгари суришга кўмаклашиш билан шуғулланадиган Буюк ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этишни таклиф қилди. Шу йилнинг кузида ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтадиган асосий тадбирлари мамлакатларнинг ноёб тарихий меросини намойиш этиш учун муҳим майдон бўлиши мумкин.[7]

Такидлаш лозимки, Ўзбекистон ва Хитой узоқ тарихга, ноёб маданият ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Бу давлатлараро гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришни давр тақозо қилмоқда. ХХР Тяньцзин шаҳрида қабул қилинган декларацияси ва ШХТни 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ва бошқа якуний ҳужжатлар кўпқиррали ҳамкорлигни кенгайтириш ва замонавий таҳдидларга самарали ечимлар топишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ШХТ доирасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги умумий вазифаларни ҳал қилиш учун ишларни биргаликда давом эттиришга икки давлат тайёр эканини билдирди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлатларимизнинг бир-бирлари билан узоқ муддатли стратегик ҳамкор эканликларидан далолат беради ва бу икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва ҳозирги замон талабларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 1 сентябр 2025 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хорижий инвесторлар иштирокида 16 минг 946 корхона фаолият юритган бўлса, уларнинг ичида Хитой Халқ Республикаси бошқа барча мамлакатлардан фарқи оширишда давом этмоқда ва ой давомида 170 та янги корхона иш бошлади ва уларнинг умумий сони 4420 тага етди, шу жумладан 681 та қўшма корхона.[8]

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой раиси Си Цзиньпиннинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Жумладан: «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва «Бир макон, бир йўл» ташаббусини ўзаро боғлаш бўйича ҳамкорлик дастури, космик фанлар, технологиялар ва космик фаолият натижаларидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида, рақобат сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича, маданият марказларини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим, тиббий хизматлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим ва бошқалар. Икки мамлакат ўртасидаги мулоқотлар, алоқалар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади ва келажакда янада самарали натижаларга эришишга кенг имкониятлар яратади.

ШХТ доирасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой муносабатларини янги босқичга олиб чиқди. Бу ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва маданий соҳаларда изчил ривожланмоқда. Янги босқичнинг асосий белгиси — стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликдир. Келгусида ШХТнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, қўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва инсонлар ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириш Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Адабиётлар:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/8452>
2. <https://www.spot.uz/ru/2025/09/02/mirziyoyev-xi/>
3. <https://tass.ru/opinions/19844129>
4. <https://www.gazeta.uz/ru/2023/05/18/documents/>
5. <https://news.mail.ru/politics/67721955/>

6. https://uza.uz/ru/posts/vzglyad-v-buduschee-cherez-prizmu-sammita-shos_757536
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/09/01/shht/>
8. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/63844-110220252-9>
9. www.mfa.uz
10. www.imf.org
11. Мирзиёев Ш.М. — “Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш – барқарор тараққиёт гарови” (маъруза, 2024 й.).
12. Идилов У. Ўзбекистон-Хитой дўстона муносабатлари ривожининг мустаҳкам заминлари. Шарқ машъали. 2013 – №1 – Б 51.
13. Си Цзиньпин. Хитой-Ўзбекистон дўстлигининг янги ёрқин саҳифалари. Халқ сўзи. 2016.21 июнь.
14. Хасанов У.А. Халқаро муносабатлар назариясига кириш. —Т.: ЖИДУ, 2007. 91-бет.
15. Сабитов Ш.А. “Деловая дипломатия и коммерческие переговоры” Учебное пособия, Ташкентский филиал РЭУ имени Г.В.Плеханова. 2024 г.ООО”Academ Space”.
16. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти расмий сайти — www.sco.int
17. Эрмаматов Ш.Ж.,Норалиев У. «Современные тенденции торгово-экономического сотрудничества Узбекистана и КНР», Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.(Special Issue 1)2021, 686-691.